

Баданни титратган асар

05:00 / 01.03.2017 3500

Ибн Қудома ал Мақдисий "Таввобин" номли китобларида Абдулвоҳид ибн Зайддан қуйидагича ривоят қиладилар:

Бизлар кемада эдик, бирдан оролчада шамол кўтарилди. Ўша ерда тўхтаб оролчага тушсак бир киши бутга ибодат қилаётган экан. Биз унга юзланиб:

- "Эй сен! Кимга ибодат қилмоқдасан?" дедик.

- У санамга ишора қилди.

- Бу ибодат қилинадиган илоҳ эмас, дедик.

- У: "Сизлар кимга ибодат қиласизлар?" деди.

- Биз: "Аллоҳга ибодат қиламиз!" дедик.

- У: Аллоҳ нима?" деди.

- Биз: "Арши осмонда бўлган, ҳукмронлиги ерда бўлган ва қазои қадари тирик ва ўликларда бўлган Зот", дедик.

- У: "Сизлар буни қаердан билдинглар!" деди.

- Биз: "Буюк подшоҳ, Яратувчи Зот бизларга элчи жўнатган, бизларга ўша элчи хабар берган", деб айтдик.

- У: "Ўша элчи нима қилган?" деди.

- Биз: "У рисолатни қойилмақом қилиб адо этган, сўнгра Аллоҳ уни вафот қилдирган", дедик.

- У: "Ўша элчи бирор аломат қолдирганми?" деди.

- Биз: "Бизга оламлар подшоҳи томонидан келган бир китоб қолдирган", дедик.

- У: "Ўша китобни менга кўрсатинглар", деди.

- Биз: "Подшоҳларнинг китоби гўзал бўлиши керак", деб унга Қуръон олиб келдик.

– У: "Мен буни ўқишни билмайман", деди.

– Биз унга Қуръондан бир сурани ўқидик, биз ўқиганимиз сари у йиғлар эди. Яна ўқишда давом этсак яна йиғида бардавом бўлар эди. Биз шу алфозда сурани тугатдик.

– У: "Ушбу калом соҳибига осийлик қилмаслик керак", деб сўнгра мусулмон бўлди. Биз унга ислом шариати ва Қуръондан сураларни ўргатдик. Ҳамда ўзимиз билан кемага орддик. Кемада кетаётган эдик, тун қоронғулашди. Ҳаммамиз ётар жойимизга бордик.

– Шунда у: "Сизлар менга далолат қилган илоҳ тунда ухлайдими?" деди.

– Биз: "Аллоҳнинг қули йўқ! У тирик, уйғоқ ва буюқдир, у ухламайди", дедик.

– У: "Мунча ҳам ёмон қулсизлар, сизлар ухласангизда, ҳожаларингиз ухламаса!" деди да, у ибодат қилишга тушди, биз эса уни тарк қилдик.

– Биз шаҳримизга етиб келгач мен дўстларимга: "Мана бу киши яқиндагина исломга кирди, у бизнинг шаҳарда ғариб бир киши", деб айтсам, дўстларим унга бироз дирҳамлардан йиғиб унга беришди.

– У: "Бу нима?" деди.

– Биз: "Эҳтиёжингизга ишлатарсан!" дедик.

– У: "Лаа илаҳа иллаллоҳ! Мен денгиздаги оролчада яшаганимда Ундан бошқага ибодат қилганимда ҳам ризқлантирган Зот наҳотки Уни таниганимдан кейин мени зое қилса", деди.

Кейин у киши ўзи ишлаб пул топди. Кейинчалик у буюқ солиҳ зотлар қаторидан жой олди.

Манба: *islom.uz*

Таржимон: Анвар Аҳмад